



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SOG'LIQNI SAQLASH VAZIRLIGI  
TOSHKENT FARMATSEVTIKA INSTITUT REKTORINING

**BUYRUG'I**

20 19 yil "05" 04 -son 280

Toshkent sh.

**Ўбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси  
ҳузуридаги таълим сифатини назорат қилиш  
давлат инспекциясининг 2019 йил 1 апрелдаги 93-сон  
буйруғи ижросини таъминлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги таълим сифатини назорат қилиш Давлат инспекциясининг 2019 йил 1 апрелдаги "Тошкент педиатрия тиббиёт институти, Тошкент фармацевтика институти ва Тошкент педиатрия тиббиёт институти Нукус филиалини аттестациядан ўтказиш тўғрисида"ги 93-сон буйруғини ижросини таъминлаш мақсадида

**Б У Ю Р А М А Н :**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги таълим сифатини назорат қилиш Давлат инспекциясининг 2019 йил 1 апрелдаги "Тошкент педиатрия тиббиёт институти, Тошкент фармацевтика институти ва Тошкент педиатрия тиббиёт институти Нукус филиалини аттестациядан ўтказиш тўғрисида"ги 93-сон буйруғи ижро учун қабул қилинсин.

2. Институтнинг давлат аккредитация муддати тугаганлиги сабабли 2019 йилнинг 8-19 апрель кунлари аттестациядан ўтказилиши маълумот учун қабул қилинсин.

3. Жорий йилнинг 6-7 май кунлари институтда, бакалаврият таълим йуналишлари ва магистратура мутахассислари талабаларининг билимини аниқлаш бўйича тест синовлари ўтказилиши ижро учун қабул қилинсин.

4. Барча проректорлар, ишлар бошқармаси бошлиғи, факультет деканлари, бўлим бошлиқлари ва кафедра мудирлари зиммасига.

4.1. Институтни 8-19 апрель кунлари аттестациядан ўтказиш учун комиссияга барча шароитлар яратилсин.

4.2. Комиссия томонидан талаб этилган барча ҳужжатлар ўз вақтида тақдим этилиши таъминлансин.

5. Ушбу буйруқ ижросининг назоратини ўз зиммамда қолдираман.

*Асос: Ўзбекистон Республикаси вазирлар маҳкамаси ҳузуридаги таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлигининг 1 апрелдаги 93-сонли буйруғи.*

ASLIGA TO'G'RI

Ректор

И.И. Алимджанов

